

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
раиси Қ.М.Рафиқовнинг Ўзбекистон касаба
уюшмалари Форумидаги нутқи**

Тошкент, 2017 йил 16 июнь

Азиз дўстлар!

Қадрли Форум иштирокчилари!

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ғояси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

Хўш, стратегиянинг мақсади аслида нима? Уни ким ва қачон амалга оширади?

Энг аввало, “**Ҳаракатлар стратегияси**” бу Ўзбекистон ҳаётини янада яхшилашнинг қадамба-қадам режасидир. Ўтган чорак асрлик истиқлол йилларида мамлакат иқтисодий, сиёсий, ижтимоий нуқтаи назардан оёққа турди, ўз давлатчилиги асосларини яратди.

Аммо, замон эртанги кунга ўта жиддий тайёргарликни, глобаллашиб улгурган дунёдаги ўзгаришлар, кураш ва қарама-қаршилиқлар ичида қатъият билан, турли синов ва тўсиқларига қарши тура оладиган иммунитет яратган ҳолда боришни тақозо этмоқда. Биз буни ўз юрагимиздан ўтказмоғимиз лозим.

Шу маънода, Ҳаракатлар стратегияси, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг нафақат юқори қатлами деб юритиладиган давлатни бошқарувчилар, балки унинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир фуқароси учун ҳам ўзига хос чақириқ, ундов ва илҳом манбаидир.

Шундай экан, миллионлаб кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган касаба уюшмалари жамиятдаги бундай инқилобий жараёнда ўз сўзини айтиши зарур ва шарт, деб ўйлайман.

Форумимиздан кўзланган бош мақсад жамиятнинг олти ярим миллион нафарга яқин фидойи, ватанпарвар фуқароларини ўз сафларида бирлаштирган катта куч бўлмиш касаба уюшмаларининг бу борадаги ўрни, вазифаларини белгилаб олишдан иборатдир.

Ишончим комилки, бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолларининг ҳам энг эзгу ниятлари – халқимизни рози қилиш, ватан равнақи йўлида ҳисса қўшиш, айти пайтда юртдошларимизнинг ўз фаровонлигини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларига баҳоли қудрат мададкор бўлишдир.

Биз бу борада ҳамкасбларимиз билан кўп бор мулоқотлар қилдик, маслаҳатлашдик. **Улар бир овоздан Касаба уюшмалари Ўзбекистон тақдирига дахлдор бўлган ушбу инқилобий лойиҳаларда ташаббускор бўлиши, кенг жамоатчиликка ибрат бўлиши зарур, деган таклифни айтишмоқда.**

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ишчи-ходимларнинг манфаатларини ижтимоий шериклик муносабатларини ўрнатган ҳолда умуммиллий даражадаги мулоқот орқали ҳимоя қилади. Бу эса касаба уюшмалари жамиятнинг қудратли кучи эканлигидан далолатдир.

Биз сизларни мамлакатнинг энг оммавий, энг йирик жамоат ташкилоти сифатида ватанимиз равнақи, эл фаровонлиги, бир сўз билан айтганда, Юрт тараққиёти йўлида муҳтарам юртбошимиз атрофида бирлашишга даъват этамиз!

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг “халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!” деган қатъий талаби бевосита касаба уюшмаларининг олдига ҳам улкан вазифаларни қўймоқда.

Бу ўз-ўзидан касаба уюшмалари ҳам халқ хизматида бўлиши зарурлигини англатади. Ҳозирги вақтда барча ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари ҳам халқ билан бевосита мулоқотни кучайтиришмоқда. Аҳолининг мурожаатларини тезкор кўриб чиқиш мақсадида “Ишонч телефонлари” ва “Фуқаролар қабулхоналари” фаолияти йўлга қўйилган, шунингдек “Мурожаат.Касаба.Уз” марказлашган онлайн тизими ташкил этилди.

Шак-шубҳасиз, касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратидаги ўрни ва мавқеини оширишни ҳам даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Касаба уюшмалари давлат идораларининг ишчи ходимлар билан мулоқотидаги ўзига хос кўприк вазифасини тўлақонли ўташи зарур. Биз шу нуқтаи назардан “Ҳаракатлар стратегияси”нинг ҳаётга татбиқ этилишидаги ўрнимиз ва вазифаларимизни аниқ-тиниқ белгилаб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Шу ўринда ҳозирги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари олдида турган қуйидаги устувор вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман:

Биринчидан, бундан буён барча даражадаги раҳбарларимиз учун фуқароларни қабул қилиш ва энг асосийси, уларнинг қонуний ва адолатли талабларини бажариш учун барча амалий чораларни кўриш энг устувор масала бўлиши зарур!

Иккинчидан, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш, даромадини юксалтиришда тадбиркорликни янада рағбатлантириш ва ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ҳар бир раҳбар ходимнинг зиммасидаги энг масъулиятли вазифага айланиши шарт.

Учинчидан, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши олдида бошқа жамоат бирлашмалари билан биргаликда кўчама-кўча, хонадонма-хонадон юриб, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича ишларимизни изчил давом эттириш вазифаси турибди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истар эдим, агарки, оила тўқ яшаса, дастурхони тўкин бўлса, бу оила тинч бўлади, бу оиладан ёмонлик чиқмайди, ундан жамиятга яхши авлодлар етишишига замин пайдо бўлади. Бу эса фақатгина шу оиланинг эмас, балки у яшайдиган қишлоқ ва кўчанинг, шаҳар ва туманинг, бир сўз билан айтадиган бўлсак, шу жамият ва мамлакатнинг ютуғидир.

Тўртинчидан, касаба уюшма ташкилотлари ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда муайян ишларни амалга оширмоқда.

Аmmo, мен ўйлайманки, ушбу муҳим ва аҳамияти жиҳатидан стратегик масалада иштирокимиз етарли бўлаётгани йўқ. Мисол учун, коллежлар, олий ўқув юртларини тугаллаган ҳар бир ёшнинг муносиб иш билан таъминланишига эришишда бизнинг жамоатчилик назоратимиз янада қатъий, изчил ва албатта ҳаққоний бўлиши керак.

Бешинчидан, Яратганнинг бебаҳо мўъжизаси бўлган азиз аёлларимизни фақат муносиб иш билан таъминлабгина қолмасдан, оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиш касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб қолиши зарур.

Азиз ҳамкасблар, дўстлар!

Бугун эрта тонгдан Форумимиз доирасида узоқ яқиндан ташриф буюрган олти юз нафарга яқин мутасаддилар секцияларда Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича касаба уюшмалари олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар. Секциялар ишида ўнлаб соҳамиз фидойилари, ҳурматли ҳамкасбларимиз, меҳмонларимиз ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан қатнашдилар. Биз уларнинг барчаларига катта раҳматлар айтамыз.

Ана шу таклиф ва истаклар уйғунлигида Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда елкадош бўлиш, бу борада кучларни бирлаштириш мақсадларига хизмат қилувчи Кўмаклашиш Дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди ва сизларга тарқатилди.

Ушбу дастур лойиҳаси қуйидагиларни назарда тутди:

- тармоқ, ҳудудий ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарларининг салоҳияти ва нуфузини кўтариш, уларни давлат органлари ва иш берувчиларнинг тенг ҳуқуқли ижтимоий ҳамкорига айлантириш;

- мавжуд 38 мингта бошланғич ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш ва уларга амалий ёрдам бериш;

- жамоа шартномалари ва келишувларини иқтисодиётни ривожлантиришга кўмаклашиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш;

- касаба уюшмалари томонидан олиб бориладиган жамоатчилик назоратининг ягона механизмини шакллантириш;

- барча бўғиндаги касаба уюшмаларининг юридик, меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоя, маданий-маърифий хизматлари ишини тубдан такомиллаштириш, қўшма ва кичик корхоналар ходимларини аъзоликка тўлиқ жалб этиш мақсадида структурани қайта кўриб чиқиш;

- бу жараёнда турдош тармоқларни йириклаштириш, ўрта ва қуйи бўғин тузилмаларини мустаҳкамлаш фойдадан холи бўлмайди. Биз бир оддий ҳақиқатни чуқур тушунишимиз лозим: нодавлат секторидаги корхоналар, **айниқса фермер хўжаликлари, қўшма корхоналар, кичик бизнес субъектлари ва бошқаларни касаба уюшмаларига кенг жалб қилган тақдирдагина уларга улуғвор ғояларни етказишимиз, ташкилотимиз куч-қувватини оширишимиз мумкин бўлади.** Бунинг учун ташаббускорлик, шижоат талаб этилади, изчил тарзда корхонама-корхона юриб уларни ўз сафимизга жалб этишимиз лозим;

- ҳар бир ҳудудда табиий, минерал хом ашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм тармоқлари корхоналари ва ташкилотларида меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва иш ҳақининг халқаро меҳнат стандартларига мувофиқлиги бўйича мониторинг ишларини кучайтириш;

- Федерация тасарруфидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини кенгайтириш.

Қадрли ҳамкасблар!

Бир билан сўз айтганда, олиб бораётган барча ишларимиз, белгиланаётган режаларимиз пировард натижада халққа хизмат қилиш сифатини яхшилаш, одамларнинг ҳаётини янада мазмундор қилишга қаратилган, зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, **“одамларга муносиб шароит яратиш доимо эътиборимизда бўлмоғи зарур!”**.

Биз касаба уюшмалари тарихида ўзига хос саҳифа очиб бераётган анжуманда иштирок этиб турибмиз. Чунки бундай кенг, катта салоҳият қамровига эга бўлган анжуман илк бор ташкил этилмоқда.

Барчангизнинг юз-кўзларингизга қараб, бундай тадбирлар, юзма-юз мулоқотларни тез-тез ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлар экан, деган хулосага келиб турибмиз. Чунки кўз-кўзга тушганда, фикрлашувлар, муҳокамаларда бевосита қатнашганда натижа, самара албатта кўпроқ бўлади.

Қолаверса, шундай форматдаги учрашувларда фаолиятимизнинг бизни ўйлантирадиган жиҳатлари бўйича фикр алмашиб, мавжуд масалаларни чуқурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш имкони пайдо бўлади.

Сизларнинг иштирокингиздан фойдаланиб, таклифимиз - **Форум иштирокчиларининг барча касаба уюшмалари аъзоларига Мурожаатномасини қабул қилсак.**

Сизларнинг тасдиғингиздан ўтадиган Кўмаклашиш Дастури ҳамда Мурожаатномани барча бошланғич ташкилотларида йиғилишлар ўтказиб, ҳар бир касаба уюшма аъзосига етказишларингизни сўраймиз. Токи, биз фахрланиб айтадиган 6.5 миллионга яқин аъзоларимизнинг ҳар бири жамиятнинг фаол, эртанги кунига ўз ҳиссасини қўшувчи вакилига айлансин.

Азиз дўстлар!

Барчамизнинг, энг аввало, раҳбар ходимларнинг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаб, зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ўз вақтида ва тўлиқ бажаришни таъминлашдан иборат.

Бундан буён барча бўғиндаги раҳбарларнинг якуний натижалар учун шахсий жавобгарлиги масаласи кун тартибидаги бош мезон бўлиб қолади.

Шу ўринда, Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини яна бир бор эслатиб ўтишни жоиз деб ўйлайман: **“ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашимиз даркор. ...Ишни биргаликда бажарамиз, натижа учун эса ҳар биримиз шахсан жавобгармиз!”**.

Бугун Ўзбекистон улкан меҳнат, интилишлар, ўрганишлар, ҳаракатлар мужассам бўлган, шу замин аҳлининг кўпдан-кўп орзу-ниятларига элтувчи катта йўлда турибди.

Азиз ҳамкасблар, ана шундай ўзига хос синовли йўлда Юртимизнинг халқпарвар, фидойи раҳбари, муҳтарам Юртбошимиз ёнида жипслашайлик!

Келинг, жонажон Ўзбекистоннинг нурафшон келажаги, порлоқ истиқболи йўлида барча кучларимизни сафарбар этишга сўз берайлик!

“Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!”

Эътиборингиз учун раҳмат.